«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
87-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2024 йил 26 июнь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.30
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.50
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2024 йил 6 июль

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз.
Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200
«Ўзбекистон саноат – қурилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

Қатнашдилар:

1. Усманов Рашид Рустамович	- ЎзРВБ Бош директори
2. Прокудина Кристина Александровна	- ЎзРВБ Бюджетлаш ва молиявий таҳлил бўлими бошлиғи
3. Худойбердиев Жамшид Бозорович	- ЎзРВБ Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш бошкармаси бошлиғи
4. Джураев Одил Хуснитдинович	- ЎзРВБ Ижро офиси бошлиғи

5. Юсупов Алишер - “PKF MAK ALYANS” МЧЖ Аудиторлик ташкилоти аудитори

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ саноқ комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботини эшитиш.
4. ЎзРВБ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юкори чегарасини белгилаш.
5. ЎзРВБда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.
6. ЎзРВБнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. ЎзРВБнинг 2023 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
8. ЎзРВБнинг 2024 – 2028 йилларга мўлжалланган ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш.
9. ЎзРВБда 2024 йил учун мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини аниқлаш ва у билан шартнома тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
10. “ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.
11. “ЎзРВБ” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. “ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши “ЎзРВБ” АЖ акциядорларининг умумий йиғилишларида ва кузатув кенгаши йиғилишларида видеоконференц-алоқа режимида иштирок этиш тўғрисида”ги регламентга мувофик ўзи борган ҳолда ёки видеоконференцалоқа режимида “ZOOM” платформасида ўтказилсин ва акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чикиш тартиби қуйидагича тасдиқлансин:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вакт – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вакт – 5 дақиқагача;
- савол ва жавоблар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача.”

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ саноқ комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:
Худойбердиев Ж.Б. – Бошқарма бошлиғи;
Умурзаков О.Э. – Бош юрисконсульт;
Кешфетдинова А.Э. – Методология ишлари бўйича бош мутахассис.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. "Ўзбекистон республика валюта биржаси" АЖ (ЎзРВБ) Кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти якунлари бўйича (шу жумладан, ЎзРВБ стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги) ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4.1. "ЎзРВБ" АЖ томонидан хайрия (ҳомийлик) ва бошқа холис кўмак кўрсатилишининг юқори чегараси ЎзРВБнинг ўтган йил учун олинган соф фойдасининг **1 фоизи** миқдорида белгилансин.

4.2. Кузатув кенгашига ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш ҳуқуқи фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган доирада, бу ҳақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда берилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. ЎзРВБда 2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари тўғрисидаги хулоса маълумот ва ишда фойдаланиш учун учун қабул қилинсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. ЎзРВБнинг 2023 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрда ПҚ-291-сон "Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 2-бандига мувофиқ 2028 йил 31 декабрга қадар ЎзРВБ маблағларни мақсадли равишда уни ривожлантиришга йўналтирган ҳолда дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашдан озод қилинсин.

7.2. ЎзРВБнинг 2023 йил якунларига кўра соф фойдасининг 59 662 513 859,53 сўм миқдорида пул маблағлари ЎзРВБни ривожлантиришга йўналтириш мақсадида ЎзРВБ тасарруфи (ихтиёри)да қолдирилсин.

Бунда, мазкур пул маблағлари ҳисобидан ЎзРВБ устав фондини ошириш (кўпайтириш)да фойдаланиш мумкинлиги инобатга олинсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. ЎзРВБнинг 2024 – 2028 йилларга мўлжалланган Ривожлантириш стратегияси тасдиқлансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

9. ЎзРВБнинг 2024 йил учун молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (МҲХС) бўйича тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлик фаолияти стандартлари бўйича мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш, шунингдек СМК, СЙКнинг ҳисобланган миқдорларини текшириш учун **"PKF MAK ALYANS" МЧЖ Аудиторлик ташкилоти** белгилансин ва у билан тегишли шартнома тузилсин ҳамда аудиторлик хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегараси **70 000 000 сўм** миқдорида белгилансин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

10. “ЎзРВБ” АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

11. ““ЎзРВБ” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “ЎзРВБ” АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомларга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 2-3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда “ЎзРВБ” АЖ устави давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси: *имзо* **Б.Ю. Абубакиров**

Йиғилиш котиби: *имзо* **О.Х. Джураев**

Аслига кўра тўғри:
Бош директор **Р.Р. Усманов**

ЎзРВБ” АЖ акциядорларининг
умумий йиғилишининг
2024 йил “26”июндаги
87-сонли баёни

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамияти уставига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

Т/р	Амалдаги тахрирда	Янги тахрирда	Изох
1.	71-банд 16)-кичик банд билан тўлдирилмоқда:	71-банд 16)-кичик банд билан тўлдирилсин: **“16) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;”**	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-422-сон Қарорининг 12-бандидан келиб чиқиб, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқулланган сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш мақсадида киритилмоқда.

2.		**16)-26)-кичик бандлар тегишлича 17)-27)-кичик бандлар деб ҳисоблансин.**	
3.	93-бандниng 19)-кичик банди: “19) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва **компенсацияларнинг** миқдорларини белгилаш;”	93-бандниng 19)-кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин: “19) Биржанинг Ижроия органига тўланадиган ҳақ ва **(ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори** миқдорларини белгилаш **масаласини маъқуллаш ва акциядорлар умумий йиғилишига киритиш**;”	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-422-сон Қарорининг 12-бандидан келиб чиқиб, ижроия органига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш ҳамда жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш бўйича масалаларни кузатув кенгаши томонидан маъқулланган сўнг акциядорлар умумий йиғилишига киритиш тартибини жорий этиш мақсадида киритилмокда.